



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 23 декабрь, № 265 (7495) Душанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ САЙЛОВДА ОВОЗ БЕРДИ

22 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловлар бўлиб ўтди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев оила аъзолари билан биргаликда Мирзо Улугбек туманидаги 162-сайлов участкасига ташриф буюриб, овоз беришда иштирок этди.

Мамлакатимиз Конституциясининг 117-моддасида фуқаролар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга экани белгиланган. Овоз

бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланган. Сайловда бешта — Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик

21 қонун тизимлаштирилди. Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати жорий этилди. Квота белгилаш институти бекор қилинди. Бешта сиёсий партияга, жумладан, янги Ўзбекистон Экологик партиясига соғлом рақобат қилиши учун тенг шарт-шароит яратилди. Сиёсий партияларнинг сайловолди очик мунозаралари жонли эфирда ёритилди. Уларда жамиятимизни ўйлантираётган ўткир масалалар муҳокама қилинди.

Охириги йиллардаги очиклик, демократик янгиланишлар натижасида жамиятимиз ҳам ўзгарди. Бу сайлов жараёнида ҳам яққол намоён бўлди. Фуқаролар ишонч ва мамлакат тақдирига дахлдорлик ҳисси билан сайлов участкаларига келиб, келажақ учун овоз берди.

Давлатимиз раҳбари 162-сайлов участкасига келган одамлар билан суҳбатлашди, биргаликда суратга тушди. Биринчи марта овоз берган ёшлар, ота-онаси билан келган болаларнинг ўқишларига ривож тилади.

Нурониёлар мамлакатимизга тинчлик-фаровонлик, Президентимизга соғлиқ-омонлик тилаб дуолар қилди.

Барча сайлов участкаларида қонунчилигимизда белгиланган шароитлар яратилди. Жойларда 6 минг 720 та округ ва 10 минг 315 та, жумладан, 38 мамлакатда 55 сайлов участкаси ташкил этилди. Бундан ташқари, озодликдан маҳрум этиш жойларида жазони ўтаётган ўта оғир жиноятларни содир этмаган шахслар ҳам сайловда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлди.

Сайлов жараёнини кузатишда МДХ, ШХТ, ЕТБ, Халқаро хусусий ҳуқуқ бўйича Гага конференцияси, Туркий кенгаш, ТуркПА, шунингдек, ЕХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг тўлақонли миссияси таркибда 700 нафардан зиёд хорижий ва халқаро кузатувчилар иштирок этди.

Президент Шавкат Мирзиёев хорижий кузатувчилар, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ҳам мулоқот қилди. Улар сайловлар очик, юксак савияда ўтаётганини, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошганини таъкидлади.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Сайлов — 2019

Шу йил 22 декабрь куни мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловлари юқори савияда ўтказилди.



ОЧИҚ-ОШКОРА, ШАФФОФ ВА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

юртимизда сайлов жараёнлари ана шу мезонлар асосида ўтди.

Халқаро матбуот марказида мазкур жараёнларни кенг оммага ўз вақтида етказиш, аҳолини сайловларнинг қандай ўтаётгани

хақида батафсил хабардор қилиш мақсадида соатма-соат ахборот бериб бориш йўлга қўйилди.



«САЙЛОВЛАР ДЕМОКРАТИЯ ТАМОЙИЛЛАРИ АСОСИДА ЎТКАЗИЛДИ»

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтган сайловларни ўн та нуфузли халқаро ташкилотдан, дунёнинг 50 дан ортиқ давлатларидан келган 825 нафар халқаро кузатувчи бевосита кузатиб борди. Сайловга оид халқаро нормалар ҳамда демократик талаблар уйғунлаштирилган янги Сайлов кодекси асосида ташкил этилган жараёнлар уларнинг қизиқишига сабаб бўлди. Мухбирларимиз хорижийларнинг таассуротлари, фикр-мулоҳазаларини ёзиб олди.

Сергей ЛЕБЕДЕВ, МДХ Ижроия қўмитаси раиси, ижрочи котиби, МДХ Ижроия қўмитаси кузатувчилар миссияси раҳбари:

— Ўзбекистондаги, айнан Жиззахдаги сайловларда бир неча марта иштирок этганман. Чунки бу замин менга бегона эмас. Гап шундаки, Жиззахда тугилиб, воёга етганман. Қалбимга яқин Ўзбекистоннинг ҳар бир шаҳар ва қишлоғида бўлаётган янгиликлар ва ўзгаришлар мени бефарқ қолдирмайди.

миссияси Ўзбекистондаги сайловларга катта эътибор қаратган. Қайд этиш керакки, сайлов кампанияси жуда сифатли ташкил этилган. Сайлов кодексининг қабул қилиниши фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродаларини эркин ифода қилишларининг кафолатидир. Бу эса сайлов натижаларининг халқ кутганидек бўлишини таъминлайди.

Витторико ЖОРЖИ, халқаро кузатувчи (Италия):

— Гулистон шаҳридаги сайлов участкаларидаги овоз бериш жараёнлари билан яқиндан танишдим. Мен кўп бора Ўзбекистонга келганман, лекин Сирдарёда биринчи бор бўлишим.

Сайлов жараёнидаги овоз бериш жараёни билан танишдим. Барча тайёргарлик ишларини, фуқароларнинг овоз беришга келаётганида кўтаринки кайфиятни кузатдим. Биласизми, бу нимадан далolat беради? Демак, улар жозибали. Сабаби минглаб ранго-ранг чироқлар ёниб турибди. Ҳамма жойда байрам шуккуи. Халқингиз вакиллари билан суҳбатлашганимда, амин бўлдимки, ана шу чироқлар нуридек қалб-

ларингиз ҳам ёруғ экан. Сайлов участкаларидаги сайлов жараёнлари билан танишдим. Барча тайёргарлик ишларини, фуқароларнинг овоз беришга келаётганида кўтаринки кайфиятни кузатдим. Биласизми, бу нимадан далolat беради? Демак, улар жозибали. Сабаби минглаб ранго-ранг чироқлар ёниб турибди. Ҳамма жойда байрам шуккуи. Халқингиз вакиллари билан суҳбатлашганимда, амин бўлдимки, ана шу чироқлар нуридек қалб-

Жарас МАМУТБЕКОВ, МДХ Ижроия қўмитаси, молия департаменти директори:

— Ўзбекистондаги мазкур сиёсий жараёни бутун дунё кузатди, десам, муболаға эмас. Албатта, халқаро ҳамкорлик алоқалари мамлакатда демократик кадрлар устуворлигига боғлиқ. Шу маънода, сайловларнинг тенглик, сайловчиларнинг ўз номзодида эркин овоз бериши руҳида ўтиши мамла-

кат инвестициявий жозибадорлигининг етакчи мезонларидан бири ҳамдир.

Биз жуда кўпга сайлов участкаларида бўлдим. Фуқароларнинг фаоллиги мамлакатдаги демократик жараёнларни улар нақадар кўллаб-қувватлаётганини ифода этади.

«Халқ сўзи».

ЦЗЯН Янь, ХХРнинг Ўзбекистондаги Фавкулдда ва мухтор элчиси: «ЁРҚИН ЙЎЛ»

ДЎСТЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАБ, ХАЛҚЛАРНИ ЯҚИНЛАШТИРАДИ

Ўзбекистонда шу йилнинг 22 ноябрдан 11 декабргача "Ёрқин йўл" халқаро экспресс акцияси муваффақиятли ўтказилди. Зеро, унинг давомида Хитойдан келган шифокорлар ва мутахассислар катарактаси бор беморларни бепул жарроҳлик амалиётиндан ўтказди. Бутун мамлакат бўйича 450 дан зиёд аёллар, болалар ва ўрта ҳамда катта ёшдагилар яна ёруғ дунёни кўриш бахтига мушарраф бўлди.

Хамкорлик

Тadbirkor Хитой соғлиқни сақлаш миллий қўмитаси халқаро алоқалар маркази томонидан ШХТнинг янги қўшничилиги, дўстлик ва ҳамкорлик бўйича Хитой қўмитаси, "Саломатлик экспресси" ва ХХРнинг Тошкентдаги элчихонаси қўмағида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Соғлиқни сақлаш вазири билан яқин ҳамкорликда ташкил этилди. Пекин университети қошидаги Халқ шифохонаси офтальмолог-шифокорлар гуруҳи чекка ҳудудлардаги катарактаси бор беморларни Самарқанд ва Тошкентдаги иккита даволаш пунктида операция қилди.

"Ёрқин йўл" акцияси Марказий Осиёда илк мартаба ўтказилмоқда ва унинг Ўзбекистондан бошланиши алоҳида аҳамиятга эга. Мазкур қадам, энг аввало, икки давлат раҳбарлари ўртасидаги келишувларнинг ҳаётга татбиқ қилиниши ифодасидир. ХХР Раиси Си Цзиньпин одамларнинг саломатлиги миллат ва мамлакат гуллаб-яшнашининг муҳим кўрсаткичи, деб таъкидлаб келди. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев аҳоли саломатлиги муҳофазасини янада яхшилаш, уни тиббиёт тизими фаолияти билан таъминлаш давлатнинг асосий вазифаси эканлигини қайд этади.



Ўзбекистонда Қозоғистон йили

АЗАЛИЙ ҚАРДОШЛИКНИНГ ЯҚҚОЛ ИФОДАЛАРИ

"Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида Ўзбекистонда Қозоғистон йилининг расмий ёпилиш маросими бўлиб ўтди. Унда икки мамлакатнинг давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, маданият ҳамда санъат намояндалари, шоир-ёзувчилар, ёшлар ва кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Сарой фойеида кўзқоқ миллий кийимлари, санъати ва маданияти, урф-одат ҳамда анъаналари намойиш этилди. Қўрғазмага қўйилган тасвирий ва амалий санъат асарлари, осори-атикалар, нодир китоблар намуналари илдизлари бақувват халқнинг қадим тарихидан, бугунги фаровон ҳаёти ва порлоқ истиқболдан сўзлайди.

Тарихи бир, маданияти яқин ўзбек ва қозоқ халқларининг дўстлик ришталари тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти — Элбоши Нурсултон Назарбоев 2017 йилда олий даражадаги мулоқотлар якуни бўйича 2018 йилда Қозоғистонда Ўзбекистон йили ва 2019 йилда Ўзбекистонда Қозоғистон йилини ўтказишга келишиб олган эди. Қозоғистонда 2018 йилда кенг ни-

шонланган Ўзбекистон йили доирасида иқтисодиёт, туризм ва маданий-гуманитар соҳаларда кўплаб тadbirkorлар, маърифий урғулар, турли фестивал ва ижодий кечалар ўтказилди.

Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев шу йилнинг 15 апрель куни Ўзбекистонда Қозоғистон йилининг расмий очилиш маросимида иштирок этди.

Тантанали тadbirkorда икки мамлакат раҳбарларининг сиёсий иродаси ва мушарак интилишлари туфайли қардошлик, янги қўшничилик ва стратегик шериклик алоқаларини мустаҳкамлаш йўлида улкан натижаларга эришилган таъкидланди.

Ўзбекистонда Қозоғистон йили доирасида туризм, маданий-гуманитар, иқтисодий соҳаларида кўплаб тadbirkorлар, маърифий урғулар, турли фестивал ва ижодий кечалар ўтказилди. Икки мамлакат санъат намо-

яндларининг ўзаро ташрифлари амалга оширилди.

Термиз шаҳрида ташкил этилган Халқаро бахшичилик санъати фестивалида қозоғистонлик Улжан Байбусинова қатнашиб, Гран-при мукофотини кўлга киритди. Ўзбекистон давлат санъат музейида Қозоғистон музейларининг "Буюк дашт: тарих ва маданият" номи кўрғазмаси, икки томондан 220 га яқин тadbirkorлар иштирок этган VI Ўзбекистон — Қозоғистон бизнес форуми ўтказилди.

"Қозоғистон — Ўзбекистон: ҳамкорликнинг янги қирралари" номи китоб кўрғазмаси, Қозоғистон таълим кунлари, Қозоғистоннинг "Салтанат" давлат рақс театрининг Алишер Навоий номидagi Ўзбекистон давлат академик катта театрида концерти ва "Астана опера" театри жамоаси томонидан қўйилган спектакль, "Ўзбекино" МА ва "Қозоқфильм" АЖ билан ҳамкорликда Тошкент шаҳрида Қозоғистон киноси кунлари ўтказилгани кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди.



ЎЗБЕКИСТОН — ЯПОНИЯ: ЮКСАК НАТИЖАЛАРГА ЭРИШИШ ЙЎЛИДАГИ ИШОНЧЛИ ЗАМИН

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Япония Бош вазири Синдзо Абэнинг таклифига биноан шу йилнинг 17 — 20 декабрь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.

Ташриф давомида давлатимиз раҳбари Кунчикар юрт раҳбарияти билан самарали учрашувлар, бизнес соҳаси вакиллари билан муҳим мулоқотлар ўтказди. Уларда Ўзбекистон — Япония муносабатларини янада ривожлантиришнинг узок муддатли устувор йўналишлари белгилаб олинди.

Мазкур ташриф ҳар томонлама тарихий ва муҳим аҳамиятга эга бўлганини икки давлат сиёсий, иқтисодий, бизнес соҳалари вакиллари алоҳида эътироф этмоқда.

Эътиборингизга Президент Шавкат Мирзиёевнинг Кунчикар юртга расмий ташрифи юнлари бўйича Ўзбекистон ва Япония кенг жамоатчилик вакиллари интервьюларини тақдим этамиз.

3-саҳифага қаранг.

ЎЗБЕКИСТОН — ЯПОНИЯ: ЮКСАК НАТИЖАЛАРГА ЭРИШИШ ЙЎЛИДАГИ ИШОНЧЛИ ЗАМИН

Абдулазиз КОМИЛОВ, Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири:



— Президентимизнинг Японияга амалга оширган ташрифи ҳар томонлама самарали бўлди. Буни бир қанча мезонларда

айтиш мумкин. Биринчидан, янги Ўзбекистон учун янги Японияни очди. Иккинчидан, икки давлат ўртасидаги йўқотилган ишонч ўзаро тикланди. Учинчидан, кун тартибимизда аниқ лойиҳалар, устувор вазифалар пайдо бўлди. Булар миллиард-миллиардлик лойиҳалардир. Тўртинчидан, ўзбекистонликларга янада кенг йўл, янги имкониятлар очиб берилди. Яъни мазкур ривожланган давлатда кимдир таълим олади ёки ҳамкорлик бошлаб,

бизнесга боради. Буларнинг ҳаммасини амалга ошириш учун шартномалар имзоланди. Президентимиз учрашувларда икки давлат алоқаларида қандайдир танаффус пайдо бўлгани, у бир оз узайиб кетганини таъкидлаб, муносабатларимизни янги босқичга, янги даражага кўтаришимиз зарурлигини бир неча бор қайд этди. Шунга мувофиқ, икки давлат вакиллари ўзаро ишонч, аниқ дастур, аниқ кун тартиби, аниқ йўналишлар асосида фикрлар алмашди, ҳужжатлар имзолади.

Олий даражадаги музокаралар якунида Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги Стратегик шериклик муносабатларини янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш тўғрисидаги Қўшма баёнот, ҳукуматлараро ва идоралараро ҳужжатлар, инвестиция битимлари ва савдо шартномалари имзоланди.

Шавкат Мирзиёев дунё мамлакатлари етакчилари ичида Нагоя университети фахрий докторлигини олган биринчи Президент бўлди.

Нобумицу ХАЯШИ, "JBIC" ижрочи директори:

— Бизнинг "Japan Bank for International Cooperation" банкимиз Япония компанияларининг хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликда иш олиб боришини қўллаб-қувватловчи ҳукумат муассасаси ҳисобланади. Биз шу вақтгача Ўзбекистонда 15 дан ортиқ лойиҳаларни амалга оширганмиз ва мамлакатга 1 миллиард доллардан зиёд сармага киритганмиз.

Шу лойиҳалардан энг сўнгисини бўйича жорий йилнинг март ойида қилиш имзоланди. Бу юқори сифатли ахборот-коммуникация технологияларини назирига кўрсатмалар бергани учун Ўзбекистон Президентига миннатдорлик билдирадим. "JBIC" банки мамлакатда кичик ва ўрта бизнес олиб борадиган япон компанияларини молиялаштиришда давом этади.



Такехико КАКИУЧИ, "Mitsubishi Corporation" компанияси президенти, бош ижрочи директори:

— Мен учрашувда давлатнинг раҳбарининг шижоатини ҳис қилдим. Ўзбекистон Президентини жуда кўп соҳаларда янгиликларни амалга ошириши, Хусусан, юртингизга хорижий инвесторларни жалб қилишда тизимли ишларни олиб бормоқда. Турли давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаштириш, Қўшма айтганда, Шавкат Мирзиёев мамлакатни ўзгартиришга сидқидилдан интилмоқда. Бу биз сингари хорижий бизнес доира вакиллари-ни Ўзбекистон бозорига ки-



риб бориши учун яхши имконият яратди, албатта. Мулоқотда Шавкат Мирзиёев бизнинг режаларимизни диққат билан тинглади. Фикримизча, мамлакат электр энергиясига бўлган эҳтиёжини қондириш учун кўш энергиядан фойдаланиш мумкин. Бу биз сингари хорижий бизнес доира вакиллари-ни Ўзбекистон бозорига ки-



Сардор УМУРЎЗОВ, инвестициялар ва ташқи савдо вазири:

— Давлатимиз раҳбарининг Японияга амалга оширган илк ташрифини тарихий, деб аташ мумкин бўлади. Бунинг сабаблари бир неча. Энг аввало, иқтисодий, савдо, инвестиция нуқтаи назаридан таҳлил қиладиган бўлсак, жуда катта қилишларга эришилганини курашимиз. Мухими, нафақат Ўзбекистон тарихида, балки бутун Марказий Осиё тарихида янги йўналишларга биринчи марта қўл урилгани ҳам қўзғатилди.

Президентимизнинг ташрифи якунида бўйича 50 та шартномага қўл қўйилди. Уларнинг умумий қиймати 6 миллиард 600 миллион доллардан ошди. Бу қилишлар турли соҳаларга тааллуқли. Авваломбор, энергетика соҳасига. Бундан ташқари, кимё маҳсулотларини ишлаб чиқариш, нефть-кимё, қурилиш материаллари, банк-молия тизими, қишлоқ хўжалиги ва бир қатор бошқа тармоқларга оид инвестициявий қилишлар, экспорт шартномалари тузилди, турил грантлар олишга эришилди. Мисол учун, қишлоқ хўжалиги соҳасига "JICA" томонидан 200 миллион АҚШ доллари миқдорига маблағ ажратилган. Бу мамлакатимизда мева-сабзавотчилик соҳасида кластерларни тузиш, яратиш ва ривожлантириш, уларни усунуналар билан таъминлаш ва бошқа бир қанча лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилди. Бундан ташқари, бизнинг энг катта лойиҳамиз энергетика соҳасига тегишли. Хусусан, Навоий иссиқлик электр станциясини модернизациялаш, юртимизда ишлаб чиқариладиган электр энергияси ҳажминини кескин оширишдан иборат.

Ўзбекистондаги учта банк Япониянинг иккита энг йирик банки билан шартномалар имзолади ва шу ҳужжатлар доирасида 600 миллион долларлик тўғридан-тўғри кредит линиялари ажратилди. Бу маблағлар ҳисобига юртимиз тадбиркорларига — кичик ва ўрта бизнес вакилларига арзон, қулай ва узок муддатли кредитлар ажратилди. Бизнинг дастлабки ҳисоб-китобимиз бўйича эришилган қилишларнинг амалга ошириш натижасида Ўзбекистонда ўрта ҳисобда 23 минг янги иш ўрни яратилди.

Акмил САИДОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмита раиси:

— Юртобимиз ташрифининг тарихий аҳамияти Ўзбекистон билан Япония раҳбарлари ўртасида ишонч руҳини ўйғотишдан иборат бўлди. Япония давлат раҳбарлари, тадбиркорлари, давлат арбоблари Ўзбекистонга ишонч кўзи билан қаради. Президент бошчилигида амалга оширилган ишлар ҳисобига таъйирлиги айтиди.

Биз шу вақтгача Ўзбекистонда 15 дан ортиқ лойиҳаларни амалга оширганмиз ва мамлакатга 1 миллиард доллардан зиёд сармага киритганмиз. Яна бир нарсани кўриш мумкин. Япониянинг Нарухито аъло ҳазратлари тахтага ўтиригандан кейин учрашган учинчи давлат бошлиғи, бу Ўзбекистон Президентини Шавкат Мирзиёев бўлди. Бундан аввал, Император Трамп ва Макрон билан учрашган эди. Бу ҳам Ўзбекистонга бўлган ҳурмат ва эътиборнинг ёрқин мисолидир. Чунки японларнинг давлат протоколи бўйича императорнинг учрашувлари жудаям чегараланган. Японияга борган ҳамма давлат раҳбарлари ҳам Император билан учраша олмайди. Нима учун десангиз, Президентимиз Япония давлати раҳбариятига янги Ўзбекистонни кўрсата олди. Ўзбекистонда бошланган, шиддат билан кетаётган ислохотларнинг қайтмас



характер касб этганига ишонтира олди. Япония давлат арбоблари Ўзбекистонда Президент бошчилигида амалга оширилган ишлар ҳисобига таъйирлиги айтиди. Яна бир нарсани кўриш мумкин. Япониянинг Нарухито аъло ҳазратлари тахтага ўтиригандан кейин учрашган учинчи давлат бошлиғи, бу Ўзбекистон Президентини Шавкат Мирзиёев бўлди. Бундан аввал, Император Трамп ва Макрон билан учрашган эди. Бу ҳам Ўзбекистонга бўлган ҳурмат ва эътиборнинг ёрқин мисолидир. Чунки японларнинг давлат протоколи бўйича императорнинг учрашувлари жудаям чегараланган. Японияга борган ҳамма давлат раҳбарлари ҳам Император билан учраша олмайди. Нима учун десангиз, Президентимиз Япония давлати раҳбариятига янги Ўзбекистонни кўрсата олди. Ўзбекистонда бошланган, шиддат билан кетаётган ислохотларнинг қайтмас

Жўрабек МИРЗАМАХМУДОВ, Ўзбекистон Республикаси энергетика вазири:

— Ташриф давомида энергетика соҳасида муҳим қилишларга эришилди. Энг аввало, Япония ҳукумати Ўзбекистоннинг энергетика соҳасини ривожлантириш учун имтиёзли кредитлар беришини билдирди. Бунинг тасдиғи ўларок, "JICA" томонидан 1,5 миллиард доллар эквивалентида Ўзбекистонга янги лойиҳаларга имтиёзли кредитларни ажратиш бўйича



қилишларни таъкидлаб ўтасак бўлади. Булар қайси лойиҳалар? Энг аввало, Навоийда учинчи буғ-газ қурилмасини қуриш учун имтиёзли маблағ йўналтирилди. Бу қурилма Марказий Осиёда энг замонавий технология саналади.

Хидео САВАДА, "H.I.S" компанияси президенти, бош ижрочи директори:

— Агар Япония ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари ривожланса, бу томонларнинг иқтисодий тараққиётида ўз ақсини топади. Бизнес доиралари билан бўлиб ўтган мулоқотда жаноб Президент ҳар бир компания вакили билан бирма-бир, алоҳида суҳбатлашди. Анжуманда иштирок этганлар унинг бизнес доира вакиллари, инвесторларнинг қўллаб-қувватлашга доим тайёр



эканлигига ишонч ҳосил қилишди. Бизнинг компаниямиз туризм соҳасида фаолият олиб боради. Шунинг ҳисобига олган ҳолда, биз Ўзбекистон билан ушбу йўналиш бўйича ҳамкорлик қиломқчимиз. Масалан, мамлакатга кўпроқ сайёҳларни жалб қилиш, Ўзбекистонда меҳмонхоналар қуриш бўйича ишларни амалга оширолмоқчимиз. Учинчи йўналиш молия сектори билан боғлиқ. Яъни банк соҳасида ҳамкорлик қилиш режаси устида ишлаяпмиз.



Теучиро ХОСОНО, "Japan Oil, Gas and Metals National Corporation" корпорацияси раиси:

— Ўзбекистон Президентини билан учрашувда қатнашганимдан мамнунман. Давлатингиз раҳбарининг япониялик инвесторларни чорлашга бўлган интилиши катта таассурот қолдирди. Компаниямиз энергетика ва темир қазиб олиш соҳасида фаолият юритади. Ишонаманки, келгусида икки давлат ҳамкорлигида мазкур соҳалар устувор аҳамиятга эга бўлади. Бундан ташқари, Ўзбекистон олтин ва кўмир қазиб олишда катта имкониятларга эга. Бу соҳалар ҳам Япония ва Ўзбекистоннинг ҳамкорлик йўналишларидан биридир.



Масато МИЯЧИ, "MUGF" банки вице-президенти, директорлар кенгаши аъзоси:

— Биз Ўзбекистонда сўнгги йилларда олиб борилаётган ислохотларни юқори баҳолаймиз. Шунинг учун ҳам келаси йилда давлатингизга қўллаб япон компаниялари кириб бориши кутилмоқда. Бизнинг банкимиз Ўзбекистон молия институтларидан бири билан қилишув имзоланди. Мазкур ҳужжат ҳамкорлигимизни ривожлантиришга хизмат қилади ва турли лойиҳаларни амалга оширишга имкон беради.



Масаоки ХЕДО, "Sumitomo corporation" компанияси президенти, бош ижрочи директори:

— Президент Шавкат Мирзиёев билан учрашиш бахтига муяссар бўлганимдан жуда хурсандман. Таассуротларим бир олам. Аввалроқ Ўзбекистон етакчисининг ғайрат ва шижоатга тўла инсон эканлигини эшитганим. Бунга ўз кўзим билан гувоҳ бўлдим. Қолаверса, Шавкат Мирзиёев томонидан сўнгги йилларда олиб борилаётган ислохотлар ҳақида ҳам тўлиқ маълумотга эга бўлдим. "Sumitomo corporation" компанияси юртингизда фаолиятини ривожлантиришга ҳаракат қилади. Асосан, инфратузилма йўналишида лойиҳаларни амалга оширишни режалаштирганмиз. Давлатингиз раҳбарининг ташрифи доирасида Ўзбекистон томони билан меморандум имзоланди. Унга кўра, аэропорт модернизацияси лойиҳасини амалга оширолмоқчимиз. Яна бир қанча лойиҳалар устида иш олиб борилапти. Уларга ҳам инвестиция қилишни мақсад қилдик.

Сеичи МАЦУО, Нагоя университети президенти:

— Шавкат Мирзиёевга Нагоя университети фахрий доктори унвонининг берилиши биз учун катта воқелик. Албатта, бизнинг мустақил илмий кенгашимиз томонидан Ўзбекистон раҳбарига бундай юксак даражанинг берилишида икки жиҳат ҳисобга олинди. Аввало, Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатда таълим ва қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришга оид илмий-педагогик фаолияти, қолаверса, Президент сифатида жамиятнинг, таълимни, илм-фанни ривожлантириш бўйича олиб бораётган ислохотлари инobatга олинди. Шунингдек, жамиятдаги тинчлик, фаровонлик-



ни таъминлашдаги ҳиссасига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Ўз навбатида, менга Тошкент давлат техника университети фахрий ректори мақомининг берилишидан мамнун бўлдим. Биз келгусида икки университет ҳамкорлигида кадрлар тайёрлаш ишларини янада фаоллаштирамиз.

«Халқ сўзи».

«ЁРҚИН ЙЎЛ»

ДЎСТЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАБ, ХАЛҚЛАРНИ ЯҚИНЛАШТИРАДИ

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Элмира Боситнова шифонада хитойлик шифокорлар билан учрашди. Бу ҳам томонларнинг Хитой — Ўзбекистон ўртасидаги хар томонлама стратегик шерикликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётганини аниқлади.

Мамлакатлар ўртасидаги соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳамкорлик кадрлар тайёрлаш йўналишини ҳам қамраб олади. Операцияларнинг тизим кун тартибига қарамадан хитойлик мутахассислар ўзбекистонлик ҳамкасблари билан билим ва тажрибаларни фаол алмашиб келаяпти, офтальмологияда фойдаланилаётган энг янги ишланмалар, технологиялар ҳамда материалларни намойиш этди. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирига ва клиникалари раҳбарлари Хитойдаги тиббиёт муассасаларига тиббиёт ходимларини юборишга тайёр эканликларини билдирди. Тактифар эса қўллаб-қувватланди. Ўз навбатида, ХХР вакиллари Самарқанд кўз касалликлари шифонаси базасида "Саломатлик экспресси"нинг офтальмологик марказини очиб имкониятларини кўриб чиқишга тайёр эканликларини изҳор этди.

"Саломатлик экспресси" пайдо бўлиши тарихи ҳақида гап кетганда, бу хайрли ҳаракат 1997 йилда Гонконгдаги ватандошлар томонидан марказий ҳукуматга совға сифатида амалга оширилган эди. Ушунда унинг шифохо-

наси поезд кўринишида бўлган. Бу сафар Хитойнинг тиббиёт жамоаси ўша рамизий транспорт воситасида келмаган бўлса-да, лекция ўша эзгу миссияга содиқлигини сақлаб қолди. Мутахассислар ўзбекистонлик ҳамкасблари билан ташқиш кўйиш, скрининг ва операцияларнинг энг олд қаторларида ўзаро яқиндан иш олиб боришди. Уларнинг профессионал иши туфайли юзлаб ижтимоий ҳимояга муҳтож одамларга кўз нури қайтарилди. Энг ёш бемор саккиз ойлик, энг кексаси эса 103 ёшли киши бўлди.

Хитой — Ўзбекистон ўртасидаги соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳамкорлик "Бир макон, бир йўл" ташаббусини биргаликда қуришнинг муҳим қисmidир. Тошкентда Хитой Фанлар академиясининг Марказий Осиё тиббиёт доридармонлар илмий-тадқиқот маркази фойдаланишга топширилди. Ўз навбатида, юрак-қон томир касалликлари бўйича Хитойдаги етакчи мутахассис, Фувай клиникаси профессори Пан Сянйинг Ўзбекистонда операциялар ўтказди, яқинда Хитой — Ўзбекистон аънавий тиббиёт маркази очилди. "Ёрқин йўл" акциясининг муваффақиятли якунланиши нафақат муҳим соҳадаги ҳамкорлик мазмунини бойитди, балки халқларимизни руҳан ва маънавий яқинлаштиришга хизмат қилди. Хитой томони одимлар "Соғлом Ипак йўли" госянининг ҳаётга таъбиқ этилишидек эзгулик имкониятларини тақдим қилиш мақсадида тиббиётнинг инновацион шакллари биргаликда жорий этишга тайёрдир.

Йил давомида кўзқот театрларининг Ўзбекистонга ижодий сафарлари уюштирилди. Ўзбек Миллий академик драма театрида "Абай" спектаклини сақлаб қолди. Мутахассислар ўзбекистонлик ҳамкасблари билан ташқиш кўйиш, скрининг ва операцияларнинг энг олд қаторларида ўзаро яқиндан иш олиб боришди. Уларнинг профессионал иши туфайли юзлаб ижтимоий ҳимояга муҳтож одамларга кўз нури қайтарилди. Энг ёш бемор саккиз ойлик, энг кексаси эса 103 ёшли киши бўлди.

Хитой — Ўзбекистон ўртасидаги соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳамкорлик "Бир макон, бир йўл" ташаббусини биргаликда қуришнинг муҳим қисmidир. Тошкентда Хитой Фанлар академиясининг Марказий Осиё тиббиёт доридармонлар илмий-тадқиқот маркази фойдаланишга топширилди. Ўз навбатида, юрак-қон томир касалликлари бўйича Хитойдаги етакчи мутахассис, Фувай клиникаси профессори Пан Сянйинг Ўзбекистонда операциялар ўтказди, яқинда Хитой — Ўзбекистон аънавий тиббиёт маркази очилди. "Ёрқин йўл" акциясининг муваффақиятли якунланиши нафақат муҳим соҳадаги ҳамкорлик мазмунини бойитди, балки халқларимизни руҳан ва маънавий яқинлаштиришга хизмат қилди. Хитой томони одимлар "Соғлом Ипак йўли" госянининг ҳаётга таъбиқ этилишидек эзгулик имкониятларини тақдим қилиш мақсадида тиббиётнинг инновацион шакллари биргаликда жорий этишга тайёрдир.



— Бежиз Ўзбеклар "Қозоғим — қардошим", қозоқлар

АЗАЛИЙ ҚАРДОШЛИКНИНГ ЯҚҚОЛ ИФОДАЛАРИ

Марғилон шаҳрида ўтказилган Халқро фольклор музыка фестивалида Қозоғистондан "Астар" жамоаси қатнашиб, Ўзбек Миллий академик драма театрида "Абай" спектаклини сақлаб қолди. Мутахассислар ўзбекистонлик ҳамкасблари билан ташқиш кўйиш, скрининг ва операцияларнинг энг олд қаторларида ўзаро яқиндан иш олиб боришди. Уларнинг профессионал иши туфайли юзлаб ижтимоий ҳимояга муҳтож одамларга кўз нури қайтарилди. Энг ёш бемор саккиз ойлик, энг кексаси эса 103 ёшли киши бўлди.

Хитой — Ўзбекистон ўртасидаги соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳамкорлик "Бир макон, бир йўл" ташаббусини биргаликда қуришнинг муҳим қисmidир. Тошкентда Хитой Фанлар академиясининг Марказий Осиё тиббиёт доридармонлар илмий-тадқиқот маркази фойдаланишга топширилди. Ўз навбатида, юрак-қон томир касалликлари бўйича Хитойдаги етакчи мутахассис, Фувай клиникаси профессори Пан Сянйинг Ўзбекистонда операциялар ўтказди, яқинда Хитой — Ўзбекистон аънавий тиббиёт маркази очилди. "Ёрқин йўл" акциясининг муваффақиятли якунланиши нафақат муҳим соҳадаги ҳамкорлик мазмунини бойитди, балки халқларимизни руҳан ва маънавий яқинлаштиришга хизмат қилди. Хитой томони одимлар "Соғлом Ипак йўли" госянининг ҳаётга таъбиқ этилишидек эзгулик имкониятларини тақдим қилиш мақсадида тиббиётнинг инновацион шакллари биргаликда жорий этишга тайёрдир.



Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ, Ўзбекистон Республикаси маданият вазири:

Хамкорлик мустаҳкам асосларга эга. Мамлакатимиздаги мактабларда қозоқ тили ўқитилди, олий таълим муассасаларида қозоқ тили, математика, физика ва бошқа фанлар бўйича педагог кадрлар тайёрланади. Бир қатор лойиҳалар асосида ҳамкорлик янада мустаҳкамланмоқда. Мамлакатимизда Қозоғистон адабиёти ва маданияти

ҳамда жорий йил юртимизда Қозоғистон йилининг кенг нишонланиши халқларимиз ўртасидаги ҳамкорлик тарихида ноёб воқеадир. Бу қардошлик муносабатларини янги босқичга олиб чиқишда муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистонда Қозоғистон йилининг ёпилиши расмий тадбир, холос. Барча соҳадаги дўстона алоқалар изчил давом этади.

ҳамда жорий йил юртимизда Қозоғистон йилининг кенг нишонланиши халқларимиз ўртасидаги ҳамкорлик тарихида ноёб воқеадир. Бу қардошлик муносабатларини янги босқичга олиб чиқишда муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистонда Қозоғистон йилининг ёпилиши расмий тадбир, холос. Барча соҳадаги дўстона алоқалар изчил давом этади.

санд қилади. Ўзбекистонда Қозоғистон йили доирасида ўтказилган қўллаб маданий тадбирлар, икки мамлакат санъат усталари ва театр жамоаларининг ижодий сафарлари мамлакатларимиз ўртасидаги кўприкни, шериклик алоқаларини янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

марказининг очилиши эса мустаҳкам ҳамкорлик ифодасидир. Маросимда ўзбек ва қозоқ санъат усталарининг байрам концерт дастури намойиш қилинди. Оқинлар миллий кўшиқ ва халқ оғзаки ижодидан намуналар ижро этди. Тадбирда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ўринбосари А. Абдуҳакимов сўзга чиқди.

ҳамда жорий йил юртимизда Қозоғистон йилининг кенг нишонланиши халқларимиз ўртасидаги ҳамкорлик тарихида ноёб воқеадир. Бу қардошлик муносабатларини янги босқичга олиб чиқишда муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистонда Қозоғистон йилининг ёпилиши расмий тадбир, холос. Барча соҳадаги дўстона алоқалар изчил давом этади.



Улуғбек ЕСДАУЛЕТ, Қозоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси:

ҳамда жорий йил юртимизда Қозоғистон йилининг кенг нишонланиши халқларимиз ўртасидаги ҳамкорлик тарихида ноёб воқеадир. Бу қардошлик муносабатларини янги босқичга олиб чиқишда муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистонда Қозоғистон йилининг ёпилиши расмий тадбир, холос. Барча соҳадаги дўстона алоқалар изчил давом этади.

ҳамда жорий йил юртимизда Қозоғистон йилининг кенг нишонланиши халқларимиз ўртасидаги ҳамкорлик тарихида ноёб воқеадир. Бу қардошлик муносабатларини янги босқичга олиб чиқишда муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистонда Қозоғистон йилининг ёпилиши расмий тадбир, холос. Барча соҳадаги дўстона алоқалар изчил давом этади.



МосуД МАННОН, Бангладешнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:

ҳамда жорий йил юртимизда Қозоғистон йилининг кенг нишонланиши халқларимиз ўртасидаги ҳамкорлик тарихида ноёб воқеадир. Бу қардошлик муносабатларини янги босқичга олиб чиқишда муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистонда Қозоғистон йилининг ёпилиши расмий тадбир, холос. Барча соҳадаги дўстона алоқалар изчил давом этади.

ҳамда жорий йил юртимизда Қозоғистон йилининг кенг нишонланиши халқларимиз ўртасидаги ҳамкорлик тарихида ноёб воқеадир. Бу қардошлик муносабатларини янги босқичга олиб чиқишда муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистонда Қозоғистон йилининг ёпилиши расмий тадбир, холос. Барча соҳадаги дўстона алоқалар изчил давом этади.



ДилшоД КАРИМОВ («Халқ сўзи»).

ЭНЕРГЕТИК БАРҚАРОРЛИК

мамлакат инвестициявий жозибадорлигининг гарови

“Навоий иссиқлик электр станцияси” АЖда буғ-газ қурилмаси бўйича инвестиция лойиҳаси амалга оширилиши билан мамлакатимиз энергетика тармоғида илк замонавий технологияларга асосланган бошқарув тизимлари жорий этилди. Энг муҳими, анъанавий технологияда 1 киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариш учун 400 ва ундан ортқ грамм шартли ёқил сарфланган бўлса, янгиланган буғ-газ қурилмасида бу кўрсаткич 234-235 граммни ташкил этмоқда.

Муносабат

Шу кунларда станциямизда “Узбекэнерго” АЖ ҳамда Япониянинг “Mitsubishi Corporation and MPRS” компаниялар консорциуми томонидан имзоланган, шартнома қиймати 432 миллион АҚШ доллара тенг, қуввати 450 мегаватт бўлган иккинчи буғ-газ қурилмаси қурилиши ниҳоясига етиб бормоқда.

Иккинчи қурилмамизда 100 гигакалория (Гкал) санот буғи ва 100 Гкал иссиқ сув кўринишидаги, жами 200 Гкал иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Одатда, анъанавий технологияларда фойдаланиш коэффициентини 40 фоиз атрофида бўлади. Корхонамиздаги биринчи буғ-газ қурилмасида бу кўрсаткич 57 фоизни ташкил этган бўлса, иккинчи-

сида 61 фоизга тенг. Қолаверса, қурилма ишга туширилиши натижасида корхонамизда йилга қўшимча равишда яна 3 миллиард 454 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилади. Шунинг баробарида, дастлабки ҳисоб-китобларга кўра мазкур лойиҳа тежамкорлиги туфайли 1 киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариш учун шартли ёқил сарфи камайирилиши натижасида йилга ўртача 500 миллион кубометр табиий газ иқтисод қилинади.

Президентимиз вилоятимизга ташрифларида иссиқлик электр станциясида модернизациянинг навбатдаги босқичида техник ва маънан эскирган барча энергоқурилмаларни илҳам ҳамда тежамкор-

ларига алмаштириш вазифаларини белгиланган эди.

Албатта, янги технологияларга асосланган қурилмалар эксплуатацияси катта билим ва малака талаб қилади. Шу сабабли корхонада республикамизнинг бир қатор етакчи олий ўқув юртлири билан яқин ҳамкорлик ўрнатилган. Бинобарин, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан корхонамиз базасида мамлакатимиз энергетика тизимидаги бошқа станциялар учун ҳам мутахассис-ҳодимлар тайёрлаш ўқув маркази фаолияти йўлга қўйилди. У Япониянинг “JICA” халқаро ҳамкорлик агентлигининг техник ва молиявий кўмағида ташкил қилинди. Бу ерда машғулотлар ўтувчи инструкторларимиз икки йил давомида “JICA” экспертлари томонидан назарий жиҳатдан тайёргарликдан ўтдилар. Шундан сўнг ўн беш кишидан иборат ёш мутахассисларимиз Японияда бир ойлик ўқув-тренинг курсларини ўтаб қайтишди.

Станциямизда истиқболли кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малака кўникмаларини ошириш мақсадида корхонамизнинг икки нафар ёш ҳодими Япониянинг “Кадрлар

тайёрлаш учун стипендиялар ажратиш” лойиҳасига кўра, грант асосида Кунчиқар юрда ўз мутахассислиги бўйича магистратурада тахсил олди.

Президентимизнинг Японияга расмий ташрифи доирасида “Навоий иссиқлик электр станцияси” АЖга кредит ажратилиши ва шунинг ҳисобидан “Навоий ИЭСни модернизациялаш” дастурига мувофиқ юқори энергия самарадорлигига эга учинчи буғ-газ қурилмаси (Навоий-3) барпо этилиши, шунингдек, “Навоий-4” ИЭСни барпо этиш учун ҳам кредит ажратиш муҳокама қилинган тармоқда оламшумул воқеа, десам, муболага эмас.

Электр энергияси ҳар бир мамлакат аҳолиси турмуш фаровонлигини таъминловчи омил ҳамдир. Шу боис мамлакатимиз энергетика тизимидаги барқарорлик уларнинг эртанги кунга ишончини орттириш баробарида, кўнгилларига бугунги янгиланишлардан мамнунлик ҳисларини бахш этади.

Азим ЯКУБОВ,
«Навоий ИЭС» АЖнинг
ишлаб чиқариш
бўйича директори.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги қошидаги «Эл-юрт умиди» жамғармаси

**2020 йил 3-4 январь кунлари
«Янгиланаётган Ўзбекистонга янги авлод кадрлари»
мавзuida илғор билимли ва қимматли тажрибага эга
собиқ «Умид» жамғармаси битирувчиларининг
биринчи халқаро конференциясини ўтказлади.**

Конференциянинг ялпи йиғилиши Тошкент шаҳрида ўтказилади, иштирокчилар учун шаҳарнинг энг йирик янги объектларига, хусусан, «Тошкент Сити» ҳудуди бўйлаб экскурсия ташкил этилади. Секция машғулотлари Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги Чимён тоғ ҳудудида жойлашган замонавий, соғломлаштиришга мўлжалланган мажмуаларда мунозаралар ва норасмий мулоқот шаклида бўлиб ўтади.

Конференцияда собиқ «Умид» жамғармаси стипендиатлари, жумладан, хорижда истиқомат қилаётган, замонавий билим ва қимматли тажрибага эга бўлган ватандошларимизнинг иштирок этиши кутилмоқда.

Батафсил маълумот олиш учун: <http://conference.eyuf.uz/>
«Эл-юрт умиди» жамғармаси ҳақида батафсил: <https://eyuf.uz/uz/>

«Микрокредитбанк»:

КИЧИК САРМОЯЛАРНИНГ КАТТА САМАРАСИ

“Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банки республикамиз иқтисодиётида ўз ўрнига эга молия муассасаларидан бири ҳисобланади. Мазкур банк томонидан кўрсатилаётган хизмат ва ажратилаётган маблағлар эвазига жойларда кўплаб тадбиркорлик субъектлари иш бошламоқдаки, натижада аҳоли бандлиги таъминланиб, турмуш даражаси тобора яхшиланмоқда.

Қайд этиш жоиз, кейинги йилларда юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга эътибор кучайгани банк фаолияти янада кенгайишига сабаб бўлмоқда. Бунда унинг инфратузилма тармоқлари — 71 филиали, 11 “Банк хизматлари маркази” ҳамда 66 та минибанкида барча шарт-шароит яратилгани кўл келяпти, албатта.



Молия муассасаларида

Маблағлар ҳар бир тармоққа етиб бормоқда

Дарҳақиқат, иқтисодий салоҳият юксалиши, бандлик масаласи ҳал этилиши, аҳолига сифатли сервис хизматлари кўрсатилишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг алоҳида ўрни бор. “Микрокредитбанк” томонидан соҳа вакилларининг ғоя ва ташаббуслари изчил кўллаб-қувватланаётгани эса уларнинг бу борадаги имкониятини янада оширмоқда. Куйидаги далил ва рақамлар бунга ёрдам бермоқда.

Фарғона шаҳридаги кичик санот зонаси ҳудудида умумий қиймати 321 миллиард сўмлик 14 та лойиҳа рўйбга чиқарилмоқда. Трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Forestcolor” масъулияти чекланган жамияти — шундай ташаббус самараси.

Юртимизда тадбиркорларни кўллаб-қувватлашга қаратилган эътибор туфайли бизнесга кўл урдик, — дейди ушбу жамият раҳбари Рашид Шоматов. — Бунда “Микрокредитбанк” АТБ Фарғона вилояти минтақавий филиали кўмақдош бўлиб, 300 минг АҚШ доллари миқдориди имтиёзли кредит ажратгани асқатади. Мазкур сармога хориждан замонавий дастгоҳлар харид қилди.

Айни пайтда корхонада меҳнат қилаётган 150 нафар хотин-қиз томонидан 50 турдан ортқ аёллар, эркаклар ва болалар кийим-кечаклари тикилмоқда.

Марғилон шаҳридаги “Siniorita” хусусий корхонасида 245 минг долларлик молиявий кўмак туфайли аёллар пойабзали ва сумкалари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Қарши шаҳридаги “Diagnostic Center Habiba aya” МЧЖга 450 миллион сўм миқдориди кредит ажратилиши натижасида ҳудудда табиий хизмат кўрсатиш сифати янада яхшиланган бўлса, банкнинг Косон филиали мижози — “Шомурод ота” фермер хўжалигига 100 минг АҚШ доллари миқдориди имтиёзли кредит берилган, мулкдор Украиндан 57 бош насли қорамол келтирди.



Косон туманидаги “Косон ривож текстиль” оилавий корхонаси ҳам банк кўмағи билан хориждан 19 та тикув дастгоҳи харид қилган бўлса, Қарши амалиёт бўлими мижози “Yasen servis” МЧЖ шаҳар марказида “Сут уйлари”ни ишга туширди.

— Банк кредитига хориждан сутни Републикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан 20 млн. АҚШ доллари миқдориди ресурс жалб қилиниб, 5 679 та мижозга 163,2 млрд. сўм, “Хар бир оила — тадбиркор” дастури доирасида 35 968 та мижозга 707,9 млрд. сўм, фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш мақсадида 2 315 та мижозга 34,6 млрд. сўм, тадбиркор хотин-қизларни молиявий кўллаб-қувватлаш учун 1 044 нафар мижозга 24,7 млрд. сўм кредитлар ажратилгани эътиборга молик.

Пироваддада жорий йилнинг ўтган 11 ойи давомида мижозларга барча молиялаш манбалари ҳисобидан тақдим қилинган кредитлар ҳажми 2 708,8 млрд. сўмни ташкил этди. Уни аниқ мақсадлар бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, 387,3 млрд. сўм айланма маблағларни тўлдиришга, 880,7 млрд. сўм асосий воситалар сотиб олишга, 125,0 млрд. сўм юридик шахсларга қурилиш ва реконструкция қилиш учун, 58,3 млрд. сўм аҳолига уй-жой қуриш ва сотиб олиш учун, 473,0 млрд. сўм истеъмом кредитлари учун, 784,5 млрд. сўм бошқа мақсадларга йўналтирилгани аён бўлади.

Замонавий хизматлар эътирофи

Банк томонидан ажратилаётган маблағ ва кўрсатилаётган хизматлар кўлами кенгайиб бораётгани халқаро молиявий ташкилотлар томонидан ҳам муносиб баҳоланмоқда. Хусусан, йил бошида “Fitch Ratings” халқаро рейтинг агентлиги “Микрокредитбанк” АТБнинг хорижий валютадаги рейтингини “Барқарор” прогнози билан “В+”

даражасидан “ВВ-” даражасига кўтарди.

“Ahor-Reyting” эса миллий шкала бўйича рейтингини “Барқарор” прогнози билан “uzA+” даражасида тасдиқлади.

Молия муассасасининг республикамиздаги банк фаолиятига оид тузилмалардан ташқари, “Microfinance Centre” (Польша) марказига, Осие банкилари ассоциацияси (Тайвань)га, “S.W.I.F.T.” халқаро электрон тўловлар тизимига, “VISA International”, “UNistream”, “Moneygram”, “Contact”, “Western Union”, “Золота корона” каби халқаро пул ўтказмалари тизимларига аъзо эканлиги, “Bank of Tokyo-Mitsubishi UFJ” (Япония), “Bank of China” (Хитой), “Азия Инвест Банк” (Россия) билан вакиллик муносабатлари ўрнатилгани халқаро доирада нуфузи ортаётганидан далолат беради.

Россия микромолиялаш маркази, Германия тараққиёт банки (KfW), Туркиянинг “Зираат”, “Актиф” банклари, БМТ Тараққиёт дастури билан ҳамкорликда кичик бизнес субъектларига микрокредитлар ажратиш йўлга қўйилган бўлса, “Россельхозбанк” АЖ (Россия), “Commerzbank AG” (Германия) иштирокида савдо ва инвестициявий лойиҳалар молиялаштирилади.

Қишлоқ хўжалигини молиявий кўллаб-қувватлашда эса Халқаро тараққиёт уюшмаси, “ADA” (Люксембург) халқаро компанияси, Хусусий секторни ривожлантириш Ислоом корпорациясининг кредит линиялари ва грант маблағлари кўл келяпти. Мисол учун, 2017 йилда Хусусий секторни ривожлантириш Ислоом корпорациясининг молиялаш линияси II босқичи доирасида 12,0 млн. АҚШ доллари жалб

кредит линияси асосида Сурхондарё вилоятида мева-сабзавотчилик лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий қайта тузиш агентлиги ва “Микрокредитбанк” АТБ ўрта-



сида 20 йил муддатга 6,0 млн. АҚШ долларилик келишув шартномаси имзоланганди. Мазкур келишув ҳам 12 та мижозга 2,0 млн. АҚШ доллари ҳамда 117 та мижозга 9,43 млрд. сўм миқдориди кредит ажратишга, 750 кишининг бандлиги таъминлинишига асос бўлди.

Худди шу ташкилотнинг “Ўзбекистонда сутни қайта ишлаш тармоғида қўшилган қиймат тизимини ривожлантириш” кредит линияси асосида эса Қашқадарё ва Жиззах вилоятларида сутни қайта ишлаш билан боғлиқ лойиҳаларни молиялаштириш учун 3,3 млн. АҚШ доллари жалб қилиниб, мазкур йўналишдаги тадбиркорлик субъектларига тақсимланди.

Фойдали ва даромадли

Кўён гўшти парҳезоплиги боис инсон организми учун ниҳоятда фойдали. Маълумотларга кўра, саломатлиги кучли учун йилига ўртача 90 килограмм гўшт истеъмол қилиниши талаб этилса, шунинг қамиди 5 фоизи кўён гўшти бўлиши керак экан. Балки шу сабабдан хозирги пайтда дунё миқёсида унга бўлган талаб тобора ортиб бораёттир. Қолаверса, у муҳим даромад манбаи ҳамдир. Шу маънода, Хукуматимиз томонидан “Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банки кўёнчиликни ривожлантириш учун масъул этиб белгилангани бежиз эмас.

Айтиш жоизки, банк томонидан шу кунгача кўён етиштиришни санот ушларида ташкил қилиш бўйича қатор ишлар олиб борилади. Республика бўйича 122 та кўёнчиликка ихтисослаштирилган агрофирма ташкил қилиниб, 1 325 та мижозга 64,1 млрд. сўм миқдориди кредитлар ажратилди.

Насли куёнларни кўпайтириш мақсадида охириг икки йил мобайнида Италиядан “Янги Зеландия” зотли 1 500 та, Испаниядан “Домашний кролик” зотли 400 та, Беларусь Республикасида “Хиплюс” зотли 1 100 та куён олиб келинди. Жорий йилнинг июль ойида эса Россиядан “Хиколь” зотли 1000 та, сентябрь ойида Италиядан “Parent” зотли 570 та куён келтирилиб, Сирдарё, Хоразм ва Тошкент вилоятларидаги куёнчилик хўжалиқларига етказиб берилди.

“Микрокредитбанк” томонидан куёнчиликни ривожлантиришга қаратилган лойиҳалар босқичма-босқич молиялаштириб бориламоқда. Шу кунларда Тошкент вилоятининг Куйи Чирчиқ туманида куёнчиликка ихтисослаштирилган агромажмуа қурилишига киришилган. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, лойиҳа қиймати 12 миллион АҚШ долларини ташкил қилувчи мазкур мажмуа йилига 50 минг насли она куён ва 3 минг тонна куён гўшти етказиб бериш қувватига эга бўлади. 50 киши доимий иш билан таъминланади.

Амалга оширилган ишлар натижасида республикамизда куёнчилик хўжалиқлари ва аҳоли хонадонларида парваршиланаётган куёнлар сони 507 минг бошга етказилди. 2019 йилда 64,5 тонна парҳез гўшт етиштирилиб, аҳолига 79 минта куён сотилди. Хозирги кунда республикамизда кўпайтириш учун 55 мингта куён мавжуд.

Ўсиш омили нимада?

Банк жамоасининг сайё-ҳаракати самараси умумий молиявий кўрсаткичларда ҳам яққол намёнён бўлмоқда. Жумладан, банк активлари йил давомида 1 972,0 млрд. сўмга ёки 60 фоиз ошиб, 4 трлн. 980 млрд. сўмга етди. Кредит қўйилмаси эса 1 420 млрд. сўмга ёки 63 фоиз кўпайиб, 3 трлн. 801 млрд. сўмни ташкил қилди.

Банк ресурс базасини янада муостаҳкамлаш ва ликвидлилик қобилиятини оширишда Президентимизнинг 2018 йил 4 майдаги қарорига мувофиқ, 2018-2019 йилларда банк устав капиталини республика бюджети маблағлари ҳисобидан ошириш мақсадида ўтган йили 100 млрд. сўм, жорий йилнинг тўққиз ойида эса 350 млрд. сўм йўналтирилди.

Банк томонидан жами 10,0 млн. АҚШ доллари ҳамда 5,0 млн. евро миқдориди хорижий кредит линияларини жалб қилиш, кредит портфели таркибидидаги узоқ муддатли кредитлар салмогини ошириш, инфратузилмани даромадлилик даражаси бўйича қайта қўриб чиқиш орқали ҳудудий филиалларни мақбуллаштириб, “Банк хизматлари марказ”лари сонини 20 тага етказиш, инновацион маҳсулотлар ва технологияларни жорий этиб, банкни халқаро стандартларга мувофиқ трансформация қилиш, аҳоли омонатларини ошириб бориш каби ишларга катта аҳамият берилётгани ҳали яна кўплаб ютуқлар кўлга киритилишидан далолатдир.

Банк ахборот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1256. 46 745 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

Телефонлар:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Ўзълорлар 71-232-11-15.

Тажрибали келган кўлаблар тақриб қилганимиз ва муаллифга қайтарилмайд.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Содиқов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буок Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.10 Топширилди — 23.50 1 2 3 4 5 6